

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2026-yil 12-mart, payshanba

№ 11 (9383)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

27 минг гектарга яқин экин майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий қилинади

БУГУНГИ КУНДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА 266,4 МИНГ ГЕКТАР СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР БЎЛИБ, ШУНДАН 263,2 МИНГ ГЕКТАРИ, ЯъНИ САЛКАМ 99 ФОИЗИ ТУРЛИ ДАРАЖАДА ШЎРЛАНГАН МАЙДОНЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

Суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш учун жами 2293 км. хўжаликлараро ва 10100 км. ички каналлар, 3960 та гидротехник иншоотлар ва 2652 та сув ўлчаш гидропости, шу билан бирга, 115,5 минг гектар экин майдонини сув билан таъминлаш учун давлат ҳисобидаги 321 дона насос станцияси хизмат қилади. Мавжуд 10473,5 км. коллектор-дренаж тармоқлари суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, 2124 та кузатув қудуқлари эса, ер ости сизот сувлари сатҳи ва шўрланишини аниқлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ҳар қарич ердан мақсадли фойдаланиш – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ, ЯНГИ ДАРОМАД МАНБАЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОРАСИДА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ҚИЛИНАПТИ. НАТИЖАДА АҲОЛИ УЧУН ИМТИЁЗЛАР ЯНАДА КўПАЙДИ.

Хусусан, бүгунги кунда томорқа ер майдонлари ва деҳқон хўжаликларига ижарага берилган ерлар аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ер – бу бойлик ва барака манбаи. Ундан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳар бир инсоннинг фуқаролик масъулиятидир.

Шу муносабат билан 2026 йилда Тошкент вилоятининг 883 та маҳалласидаги 32 минг 315 гектар аҳоли томорқаси ва 19 минг 736 гектар деҳқон хўжаликларига ижарага берилган ер майдонларида баҳорги экинлар экиш режалаштирилган. Шу асосида юқори даромадли, экспортбоп ҳамда бозор талаби юқори бўлган маҳсулотлар етиштириш кўзда тутилган. Бу эса минглаб оилаларнинг даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

– Таъкидлаш жоизки, аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб имтиёз ва субсидиялар жорий этилган. Хусусан, намунали ва инновацион лойиҳалар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача грант берилади. Уста деҳқонларга 2 миллион сўмдан 75 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Вертикал суғориш қудуқлари харажатларининг 100 фоизи (белгиланган миқдоргача) қоплаб берилади.

(Давоми 2-саҳифада)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ҲАҚИҚИЙ БАХТ ҲАЛОЛ МЕҲНАТДА,

– дейди Булунғур туманидаги “Навбахор” маҳалласи фуқароси Мақсуда Намозова

Ёшлигидан пахта териб, дала ишла-ридаги ҳалол меҳнати билан суяги меҳнатда қотган, турли ташкилотларда ишлаб, пенсияга чиққан Мақсуда ҳожи она Намозова бундан уч йил олдин ўз ҳовлисидаги 7,5 сотихли майдонда ис-сиқхона қуришга киришди.

– Бу ерга илгари тераклар экилган эди, – дейди у. – Ўз умрини ўтказиб, қуриб қолган бу теракларни олиб ташлаб, унинг ўрнига оила аъзоларимиз билан биргаликда иссиқхона қуришга кириш-дик. Белгиланган текис майдонга даст-лаб 76 туп лимон кўчатлари экилди. Кўчатлар томир отгач, атрофи пахса де-вор қилинди. Иссиқхона устини ёпишда маҳаллий ёғочлардан фойдаланилди. Маҳаллий ўғитлар билан озиқланти-рилган кўчатлар ҳосили кўрган кўз-ларни қувонтирдиган бўлди...

Иссиқхона даромади ҳисобидан уйларни замон талаблари асосида тъ-мирланди. Вояга етган фарзандлари турли олийгоҳларда таълим олишди. Тўйлар қилиб, келинлар туширди, қи-зини узатди. Юртимизда ишлаб чиқа-рилаётган янги русумдаги енгил ма-шиналар олишди. Ўтган йили ҳовлига қуёш панелларидан 50 дона ўрнатилди.



Бу ҳам оилага ҳар ойда 4,5-5 миллион сўм даромад келтирмоқда. Ўғиллари Шерзоджон ва Шухратжонлар ўз му-тахассисликлари бўйича “МАН” авто-заводида меҳнат қилишмоқда.

– Ҳалол меҳнатимиз эвазига би-ровдан кам бўлмай яшаймиз, – дей-ди Мақсуда ҳожи она. – “Товуқ етти хазинанинг бири”, деб бекорга ай-тилмаган экан. Парваришланаётган 200 бош товуқ айна кунларда кунига

60-70 дона тухум бераяпти. Ёз ойлари-да бу кўрсаткич 150-180 донага етади. Бундан ташқари, боқилаётган ҳисори кўйлар ҳам турмушимиз фаровонлиги-га муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Буларнинг ҳаммасига ўзимизнинг ҳа-лол меҳнатимиз билан эришганмиз. Мана шундай тўқинчиликка етказган Яраттанинг ўзига шукроналар бўлсин, – дея дуога қўл очди она.

Раббим ҲОТАМОВ олган сурат.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Менинг қаҳрамоним

ИСТАЙМИЗМИ, ЙЎҚМИ, ҲАР БИР КУНИМИЗНИНГ ЎЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ БЎЛАДИ. УЛАР Ё ЯХШИ АМАЛЛАРИ БИЛАН ҲАВАСИМИЗНИ КЕЛТИРАДИ Ё ДИЛИМИЗНИ ОҒРИТИБ, КЎНГЛИМИЗНИ ҚОЛДИРАДИ. ЯНАЯМ АНИҚРОҚ АЙТГАНДА, ЎША ҚАЛБИМИЗДА ЎЗИ БИЛИБ-БИЛМАЙ ИЗ ҚОЛДИРАДИГАН ИНСОНЛАРДАН МАЪНАВИЙ САБОҚЛАР ОЛАМИЗ. МЕНИНГ БУГУНГИ ҚАҲРАМОНИМ ТўРАҚЎРҒОН ТУМАНИ АХСИ МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ МУСИҚА ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИ ЖАВЛОНАЛИ МИРЗАЕВ БЎЛДИ.

У мактабдаги ишдан бўш вақтида

томорқасида ишлайди. Ерга меҳри шунчаликки, замон билан ҳамнафас деҳқонга айланиб ултурган. Бу йўлда учрайдиган муваффақиятсизликлар-дан чўчимайди, тушқунликка туш-майди, фақат ва фақат яхшилиқдан умид қилади. Уни аввалроқ туманда биринчилардан бўлиб “биоғумус” етиштирганида таниган эдим. Кей-инги йил эса айна киш пайтида ку-лупнай парваришлаб, ҳар килосини

150-200 минг сўмдан сотиб, яхшиги-на фойда кўргани ҳайрон қолдирди.

Ёзганларимни ўқиганлар, ҳа, нима бўпти, ҳозир кўпчилик шунақа қи-ляпти-ку, бунинг нимаси қаҳрамон-лик, дейиши мумкин. Ростки, аввалроқ мен ҳам ўша фикрда эдим. Жавло-налини яқиндан билгач, у ҳақдаги оддий тасаввурларим олийлашиб кетди. Жавлонали кўзидаги касаллик туфайли II-гурӯх ногирони ҳисоблана-ди. Демакки, имконияти чекланган.



Унинг ўрнида бошқа одам эҳтиёжманд эканига кўникиб, эл қатори яшаган бўларди балки. Аммо Жавлоналининг ҳавас қиларли қалби борки, доим ян-гиликка интилади. Ҳар қанақа ишни бошлашдан олдин синчиқлаб ўргана-ди. Уни бажаришга киришганида эса маҳорат билан урдалаш асносида жин-деккина ижобий ўзгариш қила олади ва тажрибаларини таниган-билган инсонларига илинади ҳам.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ҒАЛЛАЧИЛИКДА ФЕВРАЛЬ-МАРТ-АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН АСОСИЙ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР БЎЙИЧА ТАВСИЯНОМА

Мазкур тавсиянома бошқоқли дон етиштиришда фаолият юритаётган мутахассислар, фермер хўжалиқлари, кластерлар ҳамда деҳқон хўжалиқлари учун мўлжалланган бўлиб, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Зоҳид ЗИЯДУЛЛАЕВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги департаменти бошлиғи Абдумухтор ЭРҒАШЕВ, бошқарма бошлиғи Мизроб САНАҚУЛОВ, бўлим бошлиғи Қаҳрамон ТўРАҚУЛОВ ва бош мутахассис Сарвар ИСЛОМОВлар томонидан тайёрланди.

Ғаллачилик соҳасида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Юртимизда киш фаслининг илиқ ва серёғин келиши, кузги бо-шқоқли дон экинларининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг январь ва февраль ойлари серёғин бўлиб, намгарчиликнинг юқори бўли-ши, ғаллада сариқ занг ва бошқа замбуруғли (ун шудринг, сариқ доғланиш, фузариоз, септориоз) касалликларнинг ривожланиши ва



Сариқ занг касаллиги



тарқалишига қулай шароит яратди. Сариқ занг касаллиги 1999, 2009, 2016 ва 2024 йилларда

эпифитотия (касалликнинг кенг тарқалиб, авж олиши) ҳолатида кўпайиб, 50-60 фоизгача буғдой



ҳосилдорлиги йўқотилган.

Мазкур йилларда киш ойлари илиқ ва серёғин келиб, совуқли кунлар бўлмаганлиги сабабли кузги буғдой “тиним даври”га кирмаган ва сариқ занг касаллиги жанубий вилоятларда январь, февраль ойла-рида, бошқа вилоятларда март ойи-да кучайиб кетганлиги кузатилган.

Сариқ занг касаллигига қарши самарали курашиш

Ушбу касаллик учун қулай ҳарорат анча паст бўлиб, спора-

лари 00 С да февраль-март ой-ларида ўсишни бошлайди, 20 С да ўсимлик тўқимасига кириб, ривожланади, 8-150 С да касал-ликнинг ривожланиши учун қу-лай шароит ҳисобланади. Янги споралар ҳосил бўлиши 50 С ва 200 С оралигидаги ҳарорат мўъ-тадил ҳисобланади. Сариқ занг касаллиги белгиси ғалла бар-гида лимонсимон сариқ рангда қатор-қатор чиқиқча бўлиб жой-лашган бўлади.

(2-саҳифада)

Миллий генофонд – келажак қишлоқ хўжалигининг бебаҳо хазинаси

БУГУНГИ КУНДА ДУНЁ МИҚЁСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ВА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА, ЎСИМЛИК МОЙЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРАЁТГАН БИР ШАРОИТДА МОЙЛИ ЭКИНЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРДАН СЕЛЕКЦИЯ ИШЛАРИДА САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-сининг 2021 йил 24 сентябрдаги қарорига асо-сан, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида Мойли ва толали экинлар илмий тажриба стан-цияси ташкил этилди. Мазкур илмий муассаса мойли ва толали экинларнинг генетик ресурс-ларини сақлаш, ўрганиш ва улар асосида янги навлар яратишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги кунда станция генофондида мойли экинларнинг 3918 та генетик ресурс намунаси тирик ҳолда сақланмоқда. Жумладан, махсар-нинг 523 та, зиғирнинг 252 та, кунжутнинг 1446 та, ерёнғоқнинг 1428 та, кунгабоқарнинг 100 та ва лялемансиянинг 15 та намуналари мавжуд. Шунингдек, толали экинлардан канопнинг 370 та, жутнинг 168 та, канатникнинг 188 та, кра-талыриянинг 117 та, малванинг 43 та ва бамия-нинг 341 та намуналари сақланиб келинмоқда. Ушбу коллекция намуналари келажак авлод учун қишлоқ хўжалиги экинларининг генетик бойлигини асраб-авайлашга хизмат қиладиган муҳим манба ҳисобланади.

(Давоми 3-саҳифада)

Унинг энг намунали томони ўзи шундай туйғудан бебаҳра бўла туриб, кўпчиликка гўзаллиكنи ҳис қилиш туйғусини бера олаётганидир

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ҒАЛЛАЧИЛИКДА ФЕВРАЛЬ-МАРТ-АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН АСОСИЙ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР БЎЙИЧА ТАВСИЯНОМА

(Боши 1-саҳифада)

Жорий йил баҳор ойларининг серёгин келишини инобат-га олиб, сариқ занг ва бошқа касалликларнинг олдини олиш учун барча ғалла майдонларида тўлиқ бир марта фунгицид-лар билан профилактик ишлов ўтказилади. Унга қарши курашда кимёвий фунгицидлар, жумладан пропиконазол (Propishans эм.к., Тилт 25% эм.к. 0,5 л/га ва бошқалар) қўллаш тавсия этилади.

тебуконазол+пропиконазол (Титул дуо 40 к.к.р.-0,2 л/га, Диконазол 40% эм.к. 0,2 л/га, Маршал дуо 40% эм.к. -0,2 л/га ва бошқалар),

пропиконазол+ципроконазол (Альто супер 33% эм.к. -0,3 л/га, Propishans super эм.к.-0,3 л/га, Vialto super 33% эм.к.-0,3 л/га, ва бошқалар),

триадимефон+ тебуконазол (Eurofol 30% эм.к. 0,3 л/га, Фоликур Плус 35% эм.к. 0,3-0,4 л/га, Медаллион ултра 30% эм.к. -0,3 л/га, Энтоликур 22,5% эм.к. -0,3-0,5 л/га, Дуплет ТТ 22,5% эм.к. -0,3-0,5 л/га, ва бошқалар),

азоксистробин+тебуконазол (Azilon 32% SC, 1,0 л/га ва бошқалар),

Протиконазол+ Тебуконазол (Pilarzorgo 46% сус.к. 0,45 л/га, Sungergo сус.к. 0,45-0,6 л/га ва бошқалар) қўл-ланилади.

Биринчи ишловдан кейин 20-25 кундан сўнг кузатув асосида занг ва бошқа касаллик белгилари аниқланганда, иккинчи марта фунгицидлар билан қайта кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

Сариқ занг касаллиги тушган майдонларда фотосинтез жараёнини тиклаш, дон ҳосилдорлигини сақлаб қолиш мақсадида фульво ва гумин кислотали ва микро элемент-лар комплекси асосида ишлаб чиқилган биоўғитлар билан баргдан озиклантиришни ташкил этиш зарур.

Ғалла майдонларидаги зараркундаларга қарши кураш

Республикамиз бошоқли дон экинларида 60 дан ортиқ турдаги зараркунанда ҳашаротлар учрани аниқланиб, шундан зарарли хасва, ғалла ширалари, бугдой трипси ва шилимшиқ курт ҳар йили тарқалиб, зарар етказади. Буларга қарши кураш тадбирлари олиб борилмаса, ўртача 30-35 фоизгача, ривожланиши учун иқлим шароити қулай келган йиллари 50-55 фоизгача ҳосил йўқотилади.



Зарарли хасва вояга етган ҳолда, дала атрофларида, ўсимлик қолдиқлари остида қишлайди. Март ойининг иккинчи ярми апрель ойининг биринчи ўн кунлигида ҳа-вонинг ўртача ҳарорати 10-12°С га етганда ёки қишлов жойининг ҳаво ҳарорати 17°С дан ошганда хасва ғаллазо-рлар томон учиб, тарқала бошлайди. Тухумларини одатда 14 тадан икки қатор қилиб жойлаштиради. Битта хасва 200 тагача тухум қўяди ва бир мавсумда бир марта авлод бериб кўпаяди. Зараркунанда бошоқдаги доналарни сўриб, зарарлаши натижасида доналар пуч бўлиб қолади. Хасва зарарлаган пайкаллардан олинган уруғлик доннинг униб чиқishi 50 фоизгача камаяди.

Зарарли хасва, шилиқ курт, трипс ва шираларга қар-ши таъсир этувчи моддаси имидаклоприд асосли (Багира 20% с.э.к. 0,07-0,1 л/га, Имидагольд 35% с.э.к. 0,075 л/га, Энтолучо 20% эм.к. 0,07-0,1 л/га ва бошқалар), ламбдашига-лотрин асосли препаратлардан (Гранд-Те 5% с.э. 0,2-0,25 л/га, Киллер Экстра 10% эм.к. 0,1 л/га, Ламба 5% эм.к. 50 г/л 0,2 л/га, Атилла 10% эм.к. 0,1 л/га ва бошқалар) қўллаш тавсия этилади.

Бегона ўтларга қарши кураш

Қиш ойлариининг илиқ ва серёгин келганлиги сабабли, ғалла майдонларида ғалладошлар оиласига мансуб ёввойи

сули, тулкидум, райграсс каби бегона ўтлар эрта экилган майдонларда 10-15 тагача туллаганилиги, бир йиллик икки паллали бегона ўтлар ҳам совуқдан нобуд бўлмасдан ўсиб, ривожланаётганлиги кузатилмоқда. Шунинг учун, бего-на ўтларнинг ғаллага нисбатан 2-3 баробар кўп озука ва сув ўзлаштиришини инобатга олиб, уларнинг тарқалиш ариеаллари ва турларини аниқлаш, бир йиллик ва кўп йиллик турларига алоҳида эътибор берган ҳолда гербицид-лар қўллаш лозим.



Бегона ўтларга қарши гербицидларни қўллаш

Ғалла экинларида қўлланиладиган гербицидлар асосан бегона ўтларни туллаш фазасида икки паллали бир йиллик тор баргли бегона ўтларни бўйи 10-15 см. ва кенг баргли бегона ўтлар эса 3-5 чинбарг пайдо бўлганда қўллаш тавсия этилади. Бегона ўтлар сони 1 м2 майдонда 8-10 донадан ошганда кимёвий ишлов берилади. Намлик етарли бўлганда гербицидларнинг ўсимликлар танасига сингиши ва ҳара-катланиш тезлиги ошади. Гербицидларни асосан эрталаб ёки кечки салқинда, ҳаво ҳарорати 15-20 ОС бўлганида қўллаш тавсия этилади. Бир йиллик икки паллали бегона ўтларга таъсир этувчи моддаси бўлган трибенурон-метил (Гранстар 750 г/кг с.д.г. 15-20 г/га, Гранд 75% с.д.г. 15-20 г/га, Зарастар, 75% қ.сус. 15-20 г/га, Тайфун 75% қ.о.сус. 15-20 г/га ва бошқалар) препаратлари билан ишлов бе-рилади. Бир ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши таъсир этувчи моддаси бўлган трибенурон-метил+ тифенсульфурон-метил (Зарастар плус 75% с.д.г. 30 г/га, Энтостар плус 75% с.э.г. 30 г/га, ва бошқалар), флурок-сипир таъсир этувчи моддаси бўлган (Неоране 40% к.э. 0,375-0,5 л/га, Старане премиум 330 эм.к. 0,5-0,6 л/га, Химране 400 г/л эм.к. 0,375-0,5 л/га ва бошқалар) герби-цидлари сепилади.

Бир йиллик бошоқли бегона ўтларга таъсир этувчи моддаси Клодинафоп пропаргил+антидот клоквинтоцет мексил (Грамин 8% эм.к. 0,3-0,4 л/га, Ковбой 80 г/л эм.к. 0,3-0,4 л/га, Тердок 8% эм.к. 0,3-0,4 л/га, Топик 8% эм.к. 0,3-0,4 л/га ва бошқалар);

клодинафоп пропаргил+ клоквинтоцет мексил таъсир этувчи моддаси бўлган (Клодифоп экстра 24% к.э. 0,1-0,160 л/га, Сампик 24% эм.к. 0,1–0,15 л/га, Eastar Gold 30% эм.к. 0,2 л/га ва бошқалар);

феноксапроп-п-этил + антидот таъсир этувчи моддаси бўлган (Авестар 10% эм.к. 0,6-0,7 л/га, Стелла 7,5% с.м.э. 0,6-0,8 л/га, Энто супер 7,5% с.м.э. 0,6-0,8 л/га ва бошқалар; мезосульфурон-метил натрий+ йодосульфурон-ме-тил натрий таъсир этувчи моддаси бўлган Атлантис 3,6% с.э.г. 0,25-0,3 + биопауэр 1,0 л/га, Атлантик 3,6% с.э.г. 0,25-0,3+биопауэр 1,0 л/га, Зарлантис 3,6 с.э.г. 00,25–0,3+ биопауэр 1,0 л/га, шу жумладан, ёввойи сули, райграс ва бошқаларга қарши курашда тавсия этилади.

Кузги бошоқли дон экинларини эрта баҳорги озиклантириш

Кузги бошоқли дон экинлари экилганига қарийб 100-130 кун бўлганлиги, шунингдек, қиш ойлари илик келганлиги учун “тиним” даврига кирмаганлиги, доимо ўсиш-ривож-ланишда бўлганлиги сабабли, азотнинг етишмаслиги ғал-ла майскаларининг сарғайишига олиб келди. Ўсимликка азотнинг етишмаслигини ҳисобга олиб, республиканинг барча ҳудудларида ғалла экилган майдонлар гектарига 200-250 кг.дан азотли ўғитлар билан озиклантиришди. Баҳорги иккинчи озиклантиришни 20 мартгача, гектарига

300-350 кг.дан, учинчи озиклантиришни 20 апрелгача гек-тарига 150-200 кг.дан физик ҳолда азотли ўғитлар бериш билан ўтказиш тавсия этилади.

Кузги бошоқли дон экинларини биостимуляторлар билан озиклантириш

Азотли ўғитлар билан озиклантирилган ғалла майдон-ларида ўсув даврини 10-15 кунга тезлатишда, ғалланинг сувсизликка чидамлилиқ хусусиятини ва маҳсулдор поя-лар сонини оширишда биостимуляторлар билан баргидан озиклантириш юқори самара беради.



Кимёвий препаратлар ва биостимуляторларни сепиш

Шу билан бирга биостимуляторлар таркибига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фосфор берилмаган ёки кам бе-рилган ғалла майдонларига энг яхши натижа берадиган таркибида суюқ фосфорга эга бўлган IFO-PZN, NPK, FLOWER ни, шунингдек Гумимакс, Узгуми, Biovak Y-24 ҳамда гумин кислотали ва микроэлементлар билан бойитилган биости-муляторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Кўп йиллик тадқиқотларда, кузги бошоқли дон экинла-ри биостимуляторлар билан туллаш даврида барг орқали озиклантирилганда ўсув даври 10-12 кунга тезлашганлиги, дон ҳосилдорлиги 6-8 ц/га, 1000 дона дон вази 1,2-1,8 гр, доннинг таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори 1,5-2 фоизга ошганлиги аниқланган.

Ғалла майдонларини сўғориш

Март ва апрель ойларида азотли ўғитлар билан озиклан-тирилган ғалла майдонларини пешма-пеш сўғориш талаб этилади. Бунда, тупроқдаги чекланган дала нам сигими (60 фоиздан кам бўлмаслиги керак) ва ўсимлик ҳолатидан келиб чиқиб, сўғориш ишлари амалга оширилади. Таъкид-лаш жоизки, сув танқислигининг олдини олиши ва юмша-тиш мақсадида бир гектар ғалла майдони учун 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш ва ҳар бир далаининг сув кириш “кулоғи”га қазилган ҳандақ ўра ёрдамида сўғоришни фақат “шарбат усули”да ташкил этиш зарур. Кўп йиллик илмий тажриба натижаларига кўра, шарбат усулида сўғоришганда кузги бугдойнинг дон ҳосилдорлиги 6-8 ц/га ошганда, нам узоқ сақланади ҳамда берилган минерал ўғитлар самара-дорлиги янада юқори бўлади.

Бугунги кундаги агротехник тадбирлар

Ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва кластер-лар ўз ғалла майдонларида мунтазам равишда кузатувлар олиб боришлари учун ҳар бир ҳудудга бир нафардан дала назоратчиларини бириктиришни лозим.

Фойдали ҳаво ҳарорати +150С дан юқори бўлганда ғаллани туллаштириш ва маҳсулдор поялар сонини ошириш мақсадида биостимуляторларни суспензия ҳолида сепиш, агарда занг касалликларни аломатлари кўринадиган бўлса, биостимуляторларга фунгицидларни ҳам қўшиб, комплекс сепишни ташкил этиш мумкин.

Сариқ занг касаллиги аломатлари аниқланган май-донларда юқорида тавсия этилган фунгицидларни дарҳол қўллаш, зарарланган майдонларда фотосинтез жараёнини тиклаш, дон ҳосилдорлигини сақлаб қолиш мақсадида фульво ва гумин кислотали ва минерал элементлар ком-плекси асосида ишлаб чиқилган биоўғитлар билан баргидан озиклантиришни ташкил этиш зарур. Фойдали ҳаво ҳарора-ти +150С дан юқори бўлганда ғалласимон бир уруғпаллади бир йиллик бегона ўтларга (ёввойи сули ва ҳ.к) ҳамда бир йиллик икки паллали бегона ўтлар мавжудлигини ҳисоб-га олиб, уларга қарши қўлланиладиган гербицидларни биостимуляторлар билан қўшмасдан алоҳида сепиш тавсия этилади.

бардошли, таъми ҳам яхшиланган. Сабаби, Жавлонали уларни ўзимизнинг иқлимга мослаштирди, натижада улар кузда ҳам ҳосиллайдиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Жавлонали айни кунда ерга берган меҳри туфайл рўзгорига йилга кўшимча 100 мул. сўм даромад киритяпти. Ҳамиша худди соғлом инсондек ҳаракатда. Таъбир жоиз бўлса, тўрт мучаси соғ одамлардан ўн баравар кўп изланишда. Шунча иш қилган инсон меҳнатлари натижасини кўриб роҳатла-ниши табиий. Ҳаракатлари маҳсули ки-шига ғайрат беради, ахир. Жавлонали Мирзаев етиштирган махсулотларидан роса завқланса, ғайратланса керак, деб ўйлаётгандирсиз? Афсуски, болалигидан “дальтонизм” касаллиги билан оғрийдиган қахрамонимиз ранглардан завқланишдек гўзал туйғудан бебаҳра. Нарса ва буюмлар-нинг қандай тусдаллигини қиёслай олади холос...

Унинг энг намунали томони ўзи шун-дай туйғудан бебаҳра бўла туриб, кўпчи-ликка гўзаллиكنи ҳис қилиш туйғусини бера олаётганидир. Шунинг учун ҳам Жав-лонали менинг қахрамонимга айланди. Фикримча, унинг ибратли ишлари барчага намуна бўлишга арзийди. У эришганлари билан чекланадиган инсон эмас. Демак, Жавлонали Мирзаев ҳали кўпгина ижо-бий мақолаларга қахрамон бўлади.

Назозак БАҲОДИРОВА

27 минг гектарга яқин экин майдонларида СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Сўнгги беш йилда қарийб 213,5 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, уларнинг умум-ий кўрсаткичи сўғориладиган ер майдонларига нисбатан 80 фоизга етказилди. Жумладан, 26,9 минг гектарда томчила-тиб, 7,8 минг гектарда ёмғир-латиб ва 178,8 минг гектарда бошқа турдаги сув тежовчи тех-нологиялар жорий қилинди. Биргина ўтган 2025 йилнинг ўзида 51,9 минг гектар майдон-да сув тежовчи технологиялар жорий қилинди, шундан, 36,2 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин ерлари лазер ускунаси ёр-дамда текисланиши ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 5-8 фоизга ошди.

Электр энергиясини иқти-сод қилиш мақсадида насос станцияларга 25 дона ресурс-тежамкор электродвигателлар ва 20 дона насос станциялар янгисига алмаштирилди, янгидан 15 дона конденсатор, 7 дона частота ўзгартирувчи қурилмалар, 25 дона қуёш ба-тарейлари ва 1 дона сув иситиш қурилмаси ўрнатилиб, ишга туширилди. Насос станцияла-ри ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги 82 дона насос стан-ция ва 12 дона трансформатор таъмирланди. Бундан ташқари, 2025 йилда фермер хўжаликла-рининг 2138 та насос агрегат-ларини қуёш энергиясидан фойдаланиш тизимига ўтказиш белгиланиб, амалда 2622 дона насослар агрегатларига қуёш панеллари ўрнатилади.

Сув хўжалиги объектлари-ни рақамлаштириш мақсади-да каналларга 339 та “Ақлли сув” қурилмалари, мелиоратив кузатув қудуқларига 1299 та “DIVER” қурилмалари, 252 та насос станцияга “онлайн” қу-рилмалар ўрнатилди ва 4 та йирик гидротехник иншоот бо-шқаруви автоматлаштирилди. Жорий йилда 12 та на-сос агрегати ва 9 та электро-



двигателни янги, замонавий энергия тежамкорига алмаш-тириш, 10 та конденсатор, 28 та частота ўзгартирувчи қурил-ма, 15 та қуёш панели ва 1 та қуёш сув иситиш қурилмасини ўрнатиш белгиланган. Ушбу тадбирларнинг амалга ошири-лиши орқали йиллик 0,64 млн. кВт.с электр энергия тежали-шига эришилади. Мелиоратив кузатув қудуқларига 217 дона “Дайвер” қурилмасини, 80 та насос станцияга электр энер-гия ва сув ҳажмини “онлайн” назорат мониторинг қилувчи жиҳозлар ўрнатиш белгилан-ган.

– Амалдаги йилда вилоя-тимиз қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 26 минг 679 гектарида сув тежовчи техноло-гияларни жорий қилиш ҳамда 12 минг 479 гектарда лазерли текислаш белгиланган, – дейди Чап қирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи вазифини бажарув-чи Элёрбек Нурметов. – Шунин-гдек, 24,1 км. узунликдаги ме-лиоратив объект ва улардаги 4 та иншоот реконструкция қилинади, 1000 км. узунлик-даги мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилади. Ушбу тадбирларнинг амалга оши-рилиши натижасида, 28 минг гектар сўғориладиган ерлар-нинг мелиоратив ҳолати яхши-ланишига эришилади.

Ориф ЖУМАНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Ҳар қарич ердан мақсадли фойдаланиш – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

(Боши 1-саҳифада)

Жойларда қудуқ бурғилаш ва қуёш панеллари ўрнатиш ҳа-ражатларининг 70 фоизи субсидия қилинади. Шу билан бирга, узумчилик, бодворчилик ва томчилатиб сўғориш тизимлари учун аҳолига молиявий қўмак қилинади. 7 йилгача имтиёзли кредитлар ҳамда 5 йилгача лизинг асосида ускуналар ажратилади, – дейди Тошкент вилоят камбағаллиكنи қисқартириш ва бандлик бошқар-маси бошлиғи Зиёдбек Йўлдашов.

Бундан ташқари, томорқа ва ижара ерларидан самарали фой-даланиш устидан ҳар чорақда мониторинг ўтказилади. Ер май-донлари қаровсиз қолдирилган тақдирда берилган имтиёзлар бекор қилиниши, кредит маблағлари ажратилимаслиги ҳамда ер солиғи миқдори оширилиши мумкин. Шу боис, ҳар бир фуқаро ўзига бириктирилган ер майдонидан оқилона фойдаланиб, юқори ҳосилдорликка эришиши ва оиласи даромадини оширишга интилиши лозим.

Тошкент туманидаги “Oltin Ufq agro” фермер хўжалиги 2026 йил баҳор мавсумида жами 18 гектар майдонда сув тежовчи тех-нологияларни жорий этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган эди. Бу ташаббус нафақат сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, балки ҳосилдорлиكنи ошириш ва ҳаражатларни камайтиришга хизмат қилади.

Мазкур фермер хўжалиги тумандаги сув тежовчи технология-ларни ишлаб чиқарувчи “KAVSAR” МЧЖ томонидан ишлаб чиқари-лаётган “Қуёш панеллари орқали электр энергиясиз мобил кўчма сув етказиб бериш тизими”ни харид қилган ҳамда корхона билан лойиҳа келишув битимлари тузилган. Ушбу инновацион тизим энергия тежамкорлиги ва қулайлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Айни пайтда хўжалик ҳудудида сув омбори қуриш ишлари олиб борилмоқда, қатор ораларига экинлар экиш тадбирлари бошланган.

Бекобод туманида ҳам аҳолининг томорқа ерларидан самара-ли фойдаланиш, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳамда бандлиكنи таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оши-рилмоқда. Жумладан, “Илғор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳам картошкачиликка ихтисослашган. Шу кунларда далаларда ишлар қизгин. Маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқариб, картошка экиш мавсумини бошлаб юборди.

Далаларда юқори ҳосил умидида тер тўкилмоқда. Илғорликлар ўз номига муносиб бўлишга интилади. Бу маҳаллада меҳнат – анъана, ҳамжиҳатлик эса ҳаёт тарзига айланган.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.



(Боши 1-саҳифада)

Жумладан, 2024 йили иссиқхонаси-ни томчилатиб сўғоришга мослаштирди. Пушталар остига тортилган ерни қизди-рувчи тизим муваффақиятли ишлагач, қўшилари Илҳомжон Жабборов ҳамда Адхамжон Мамадалиевларни ҳам шу усул-да ишлашга чорлади, билганини ўргатди, қисқаси, уларнинг ҳам кўшимча даромад олишига сабабчи бўлди.

Жавлоналининг деҳқончилигини ри-вожлантириш мақсадида асалари оила-сини сотиб олганига нима дейсиз. Ўзбе-кистон ва Туркия олимлари ҳамкорликда яратган бу турдаги фойдали ҳашаротлар қишда ҳам баҳордагидек “ишлай” олар экан. Чанглатиш маҳсули бўлган сара, чангланмагани учун эса табиий шакли бузилган қулупнайларни кўриб, зиёли деҳқонга “балли”, дейсиз. Эътиборли

Менинг қахрамоним

жиҳати, қиш чилласида томорқасига баҳорни олиб кирган, шунақа тансиқ ме-вани етиштира олган ва қўшилларининг ҳам ўзидек даромад кўришига сабабчи бўлган Жавлонали Мирзаев эришганла-ри билан чекланмади, изланишда давом этмоқда. Кимёвий ўғитларсиз қулупнай етиштириш ниятига етгач, ўз олдига ис-сиқхона деҳқончилиги билан шуғулланув-чиларни қийин вазиятга солиб қўётган нисбий намликдан халос этиш йўллариини топиш устида ишлади.

Унинг жорий йилда эришган ютуқлари янада диққатга сазовор. Андижон вилояти Улугнор тумани Мингбулоқ маҳалласи-да яшовчи кўплаб инсонларга қулупнай етиштиришни ўргатди. Улардан бири на-фақадаги Қодиржон Собиров ёш устозидан бениҳоя миннатдор. Сув даярли муаммо бўлган бу ҳудудда қулупнай етиштириш орзу эди, ахир. Юқоридагилардан ташқари, Жавлоналининг ижтимоий тармоқлардаги маҳорат дарслари ҳам давом этапти.

Қорақалпоғистон Республикаси, Анди-жон, Фаргона, Тошкент, Самарқанд, Сир-дарё, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё,



Жиззах вилоятларидаги қизикувчиларга қулупнай ва биогумус етиштиришни ўргат-япти. Ўзи эса ҳозирда кўчатчилик билан шуғулланмоқда. Бугун унинг томорқаси-дан қишда ҳам мева тугаверадиган корей, баҳор ҳамда кузда сердаромад итальян қулупнай навлари ниҳолларини истаганча топишнингиз мумкин. Маълумки, илгари бу резавор мева фақат баҳорнинг охи-ри ойида ҳосил берарди. Кейинчалик ис-сиқхонада ўстирила бошланган хорижий навли қулупнайларнинг таъми табиий ҳолдагисидан шираси камлиги билан фарқ қилди. Устига устак кўчатлари жой танларди. Ҳозир ундай эмас – совуққа

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Бутун дунёда автомобиль саноати кун сайин ривожланмоқда. Шунга мос равишда инсонларнинг йўл-транспорт ҳодисаларидан жабр кўриши ҳам ошиб бормоқда. Бугунги кунга келиб йўл-транспорт ҳодисаларидан энг кўп азият чекадиганларнинг катта қисми ривожланаётган ва нисбатан қолоқ мамлакатларга тўғри келади. Транспорт инфраструктурасини яхши йўлга қўйган иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар эса бу муаммоларни бирин-кетин енгиб бормоқда.

Айтиб ўтиш керак, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунида йўл ҳаракати хавфсизлигига оид атамаларнинг тушунчаси берилган. Унга кўра:

- Йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;
- Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлигига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юklarнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;
- Йўл ҳаракати – одамлар ва юklarнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз



Фото: Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати

йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

- Йўл ҳаракати қатнашчиси – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этгаётган шахс ҳисобланади.

Шу ўринда айрим маълумотларни келтириб ўтсак. Дунё миқёсида ҳар йили 1,5 миллионга яқин одам йўл-транспорт ҳодисаси туфайли қурбон бўлади, 20-50 миллион киши жараҳатланади ва акарияти ногирон бўлиб қолади. Йўл-транспорт ҳодисалари одамларга, уларнинг оилаларига, умуман олганда, давлатларга катта иқтисодий зарар келтиради ва бу зарар кўпчилик мамлакатларда яппи ички маҳсулотнинг уч фоизини ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодиса-

ларида ўлимнинг 90 фоиздан ортиғи паст ва ўрта даромадли давлатларда содир бўлади.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишининг асосий омиллари турлича. Ўртача тезликнинг ошиши тўғридан-тўғри ҳалокатга ва натижада оғир оқибатларга олиб келади. Масалан, ўртача тезликнинг ҳар 1 фоиз ортиши ҳалокат хавфини 4 фоизга, жиддий ҳалокат хавфини 3 фоизга оширади.

Автомобиллар олд томонидан урилган пиёдалар учун ўлим хавфи 50 км/соат тезликдан 65 км/соатга чиққанда 4,5 мартага ортади. Машина билан машина тўқнашганда эса тезлик 65 км/соат бўлганда йўловчилар ўлими эҳтимоли 85 фоизга тенг. Автомобилни спиртли ичимликлар ва бошқа психоактив моддалар

истеъмол қилган ҳолда ҳайдаш ҳалокат ёки ўлимга олиб келади. Хавфсизлик камарини тақиш ҳайдовчи ва олдинги ўриндикдагилар ўлими хавфини 50, орқа ўриндикдагиларникини эса, 75 фоизга камайтиради.

Ҳайдовчиларнинг уяли телефон ишлатган ҳолда ҳалокатга учраши эҳтимоли 4 баробар кўп. Чунки бошқарув пайтида телефондан фойдаланиш реакция вақтини секинлаштиради ва тўғри чизикда бўлишни ва кейинги масофани тўғри сақлашни қийинлаштиради. Хавфсиз йўл инфратузилмаси – йўлларнинг дизайни хавфсизликка сезиларли таъсир кўрсатади. Йўллар йўл ҳаракати қатнашчиларининг хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда лойihalаштирилиши керак. Бу пиёдалар, велосипедчилар ва мотоциклчилар учун етарли шароитлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилишни англатади. Пиёдалар, велосипед йўллари, хавфсиз ўтиш жойлари ва ҳаракатни тинчлантиришнинг бошқа чоралари каби тадбирлар бу йўл иштирокчилари орасидаги шикастланиш хавфини камайтиради. Хавфсиз транспорт воситалари ҳалокатнинг олдини олишда ва жиддий шикастланиш эҳтимолини камайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. БМТнинг авто-транспорт хавфсизлиги тўғрисидаги бир қанча қондалари мавжуд, агар улар мамлакатларнинг ишлаб чиқариш стандартларига татбиқ этилса, қўлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Буларга автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг олд ва ён зарба қондаларига риоя қилишлари, барқарорлиқни таъминлашнинг электрон бошқарувини (ҳаддан ташқари бошқаришнинг олдини олиш учун) ҳамда хавфсизлик ёстиқчалари ва хавфсизлик камарларининг барча транспорт воситаларига ўрнатилишини таъминлаш киради. Ушбу стандартларсиз транспорт воситасида бўлганлар учун ҳам, ундан ташқарида бўлганлар учун ҳам йўл-транспорт ҳодисалари хавфи сезиларли даражада ошади.

ОДИЛЖОН ЎСАРОВ,
Тошкент ҳарбий прокурори,
адлия полковниги.



Масхар



Кунгабоқар

Миллий генофонд – КЕЛАЖАК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Генофонд намуналарини сақлаш билан бир қаторда уларнинг биологик ва хўжалик жиҳатдан қимматли белгиларини ўрганиш, уруғларининг унувчанлигини қайта тиклаш, селекция ишларини олиб бориш ҳамда янги истиқболли нав ва тизмалар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу эса келгусида ҳосилдор, мейдорлиги юқори, турли иқлим ва тупроқ шароитларига мослашувчан навларни яратиш имконини беради.

Станция олимлари томонидан мойли экинлар селекцияси йўналишида қатор муҳим натижаларга эришилмоқда. Жумладан, маҳсарнинг “Обод” нави яратилган. Шунингдек, ерёнғокнинг “Тошкент-112”, “Қиғрай-4”, “Мумтоз”, “Саломат” ва “Лидер” навлари, кунжутнинг “Тошкент-122”, “Қора шахзода” ва “Садаф” навлари, маҳсарнинг “Сахро маликаси” ҳамда кунгабоқарнинг “Жаҳонгир” навлари селекция ютуқлари сифатида эътиборга лойиқдир. Ушбу навлар юқори ҳосилдорлиги, уруғ таркибида мой ва оқсил миқдорининг кўплиги, шунингдек, турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда ушбу навлар ва истиқболли тизмаларни янада такомиллаштириш ва нав даражасига етказиш

бўйича илмий ишлар давом эттирилмоқда. Маълумки, ҳар бир янги яратилаётган нав ортида бой генетик ресурслар мужассам. Шу боис миллий генофондни асраш, уни бойитиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мойли экинлар генетик ресурсларини сақлаш, улардан самарали фойдаланиш ва янги навлар яратиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ҳамда келажак авлод учун қимматли генетик бойликларни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Мурат РАСУЛОВ,
Ўсимлик генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти Мойли ва толлал экинлар илмий тажриба станцияси директори,
Абдумурод ҲАКИМОВ,
Илмий ва инновациялар бўйича директор Ўринбосари, қ.х.ф.ф.д.
Марат РАСУЛОВ,
бўлим мудири,
Луиза АЛЛАНАЗАРОВА,
лаборатория мудири қ.х.ф.ф.д.

Эълонлар

“SHERZOD KREDIT INVEST LOMBARD” МСНЈнинг баланс ҳисоботи 2025 йил “31” декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	нинг сўмда
	АКТИВЛАР	
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	121 548
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	248 257
30	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	30 774
40	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – факторинг, брутто	0
41	Минус: факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0
42	Факторинг, соф (40 код – 41 код)	0
50	Кредитлар (микроредит, микроқарз, истемол), брутто	676 330
51	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0
52	Кредитлар, соф (50 код – 51 код)	676 330
60	Лизинг, брутто	0
61	Минус: лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0
62	Лизинг, соф	0
70	Инвестициялар, брутто	0
71	Минус: Инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0
72	Инвестициялар, соф	0
80	Асосий воситалар, соф	254 286
90	Номоддий активлар, соф	0
100	Бошқа хусусий мулклар	0
101	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси	0
102	б. Бошқа хусусий мулклар, соф (100 код–101 код)	0
110	Бошқа активлар	66 818
120	Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)	1 398 013
	МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
	МАЖБУРИЯТЛАР	
210	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	148 786
220	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	Чиқарилган облигациялар	0
240	Тўланиши лозим бўлган фойзалар	0
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	7 687
260	Муддати узайтирилган даромадлар	
270	Бошқа мажбуриятлар	9 321
280	Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)	165 794
	КАПИТАЛ	
310	Устав капитали	900 000
311	а. Акциялар – оддий	0
312	б. Акциялар – имтиёзли	0
320	Қўшилган капитал	0
330	Заҳира капитали	90 722
331	а. Умумий заҳира фонди	90 000
332	б. Бошқа заҳира ва фондлар	722
340	Тақсимланмаган фойда	212 598
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	28 899
360	Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)	1 232 219
370	Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)	1 398 013

Рўйхат рақами: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 31 октябрдаги 1592-сонли гувоҳномаси.
Юридик манзил: 100208, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Гулистон мавзеси 56–уй, 92–хонадон.
Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “ABS FINANS AUDIT” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси

“SHERZOD KREDIT INVEST LOMBARD” МСНЈнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи 2025 йил “31” декабрь ҳолатига

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	нинг сўмда
	1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	Банклардаги депозитлар бўйича фойзли даромадлар	0
120	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроқарзлар) бўйича фойзли даромадлар	577 162
130	Ўзини ўзи банда қилган шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фойзли даромадлар	0
140	Янқа тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитлар (микрокредитлар) бўйича фойзли даромадлар	0
150	Юридик шахсларга берилган кредитлар (микрокредитлар) бўйича фойзли даромадлар	0
160	Лизинг бўйича фойзли даромадлар	0
170	Бошқа фойзли даромадлар	0
180	Жами фойзли даромадлар (110+120+130+140+150+160+170)	577 162
	2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	0
220	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	20 824
230	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фойзли харажатлар	0
240	Чиқарилган облигациялар бўйича фойзли харажатлар	0
250	Лизинг бўйича фойзли харажатлар	0
260	Бошқа фойзли харажатлар	0
270	Жами фойзли харажатлар (210+220+230+240+250+260)	20 824
	3. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (180–270)	556 338
310	Минус: Кредит ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330	Кредит ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фойзли даромадлар (310–320)	556 338
	4. ФОИЗСIZ ДАРОМАДЛАР	
410	Кафолатлар ва кафиликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар	0
420	Факторинг хизматлари бўйича олинган даромадлар	0
430	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
450	Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	0
460	Бошқа фойсиз даромадлар	275 226
470	Жами фойсиз даромадлар (410+420+430+440+450+460)	275 226
	5. ФОИЗSIZ ХАРАЖАТЛАР	
510	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	79 181
520	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар	0
530	Инвестициялардан кўрилган зарарлар	0
540	Бошқа фойсиз харажатлар	741
550	Жами фойсиз харажатлар (510+520+530+540)	79 922
	6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330–470–550)	751 642
	7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	394 401
720	Ижара ва таъминот харажатлари	145 273
730	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	Мазмурий харажатлар	12 385
750	Репрезентация ва хайрия	14 055
760	Эскириш харажатлари	124 083
770	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	16 425
780	Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	706 621
	8. КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
	9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600–780–800)	45 020
	10. Фойда солиғи	
1000	Фойда солиғини баҳолаш	16 122
	11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900–1000)	28 899
1100	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
	12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (100–1100)	28 899

Молия вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги АФ №00805 сонли лицензиясига эга) томонидан ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот, ташкилотнинг 2025 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларнинг тўғрилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд.

“AZ BENEFIT TRADING” МЧЖга тегишли бўлган қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари МЧЖнинг эски манзиллари янги манзилга кўчиш жараёнида йўқолган деб ҳисобланади:

- Жамият ягона таъсисчисининг 2025 йил 16 апрелдаги 2/25 сонли қарорининг асли;
- 2025 йил 16 апрелдаги “AZ BENEFIT TRADING” МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топишириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
- 2025 йил 16 апрел кунинда тасдиқланган жамият Устави асли;
- 2025 йил 18 апрел куниндаги таъсисчилари умумий йиғилишининг 1-сонли баённомаси асли;
- 2025 йил 18 апрел куниндаги “AZ BENEFIT TRADING” МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топишириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
- 2025 йил 18 апрел кунинда тасдиқланган жамият Устави асли;
- Жамият таъсисчисининг 2025 йил 4 декабр куниндаги 4/25 сонли қарорининг асли;
- 2025 йил 4 декабр куниндаги “AZ BENEFIT TRADING” МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топишириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
- 2025 йил 4 декабр куниндаги “AZ BENEFIT TRADING” МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топишириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
- 2025 йил 9 декабр куниндаги “AZ BENEFIT TRADING” МЧЖ устав фондидаги (капиталидаги) улуш олди-сотди шартномаси ва устав фондидаги улушни топишириш-қабул қилиш далолатномаси асли;
- 2025 йил 9 декабр кунинда тасдиқланган жамият Устави асли;
- Ушбу эълон берилган кундан бошлаб, юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхалари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.
- Мазкур ҳужжатларнинг жамиятда нусхалари мавжуд. Агар мазкур ҳужжатлар топилса, уларни Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Қоратош МФЙ Қоратош қўчаси, 11 А уй манзилига тақдим этиш сўралади.

Хоразм вилояти “Мухаммад Охун бобо” жамоат бирлашмаси

бирлашма хайрия қўтисига фуқаролардан 2026 йил 19 феврал кунинда 1 200 000 сўм маблағ келиб тушганлигини маълум қилади.

➤ Бугуннинг гапи

СЕЛ ХАВФИДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ КЕРАК?

Табиий офатлар сайёрамиздаги ҳаётнинг ажралмас қисмидир. Зилзилалар, бўронлар, тошқинлар каби селлар ҳам вайронагарчилик, инсонларнинг қурбон бўлиши ва катта иқтисодий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда сел ва сув тошқинлари йил сайин кўпроқ кузатилаётганлиги огоҳликни талаб қилади. Сел катта миқдорда тоғ тошлари, қум ва тупроқ жинслари билан биргаликда тоғдан оқиб тушувчи сув оқими бўлиб, 85 фоиз ҳолатларда мунтазам жала қўйиши, 4 фоиз ҳолларда тоғ қорларининг эриши, 1,3 фоиз ҳолларида тоғ сув ҳавзалари, сув омборлари, музлаган сув ҳавзалари қирғоқларининг ўпирилиб кетиши ва бошқа сабаблар билан юзага келиши мумкин. Катта ҳажмга ва юқори тезликка эга бўлган сел оқими йўлидаги барча биноларни, аҳоли яшайдиган уйларни, гидротехник иншоотларни бузиб, қишлоқ ҳўжалиги экинларини, боғларни пайҳон қилади.

Тахлилларга кўра, Ўзбекистонда сел ва бошқа табиий офатлар ҳар йили ўртача 1,4 миллион инсонларга хавф туғдиради, иқтисодий зарарнинг умумий миқдори 3 миллиард АҚШ долларига яқин бўлади. Ўртимиздаги барча тоғ ва тоғ олди ҳудудлари сел хавфи бўлган зоналарга киритилган бўлиб, сел оқими вужудга келиши апрел ва май ойларига тўғри келади. Бу даврда тоғ ва тоғ олди ҳудудларида кўп ёмғир ёғиши кузатилади.

Сел хавфи бўлган ҳудудларда яшовчи ҳар бир киши уйи, ҳўжалиги сел келиш ҳудудида жойлашганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиши ва Фавкулотда вазиятлар вазирлиги ва бошқармалари, маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан берилган кўрсатмалардаги сел ва сув тошқинидан ҳимоя қилиш йўл-йўриқларига албатта амал қилиши лозим. Сел оқимларида фақат қочиб қутулиш мумкин, бунинг учун сел хавфи тўғрисида хабар ошитгандан сўнг дарҳол хавфсиз жойга кўчиш керак, сел оқимининг тез фўрсатда шаклланиши, унинг тезлигини ҳисобга олган ҳолда хабар бериш ва муҳофаза тадбирларини бажариш учун вақт жуда чегараланганлигини доимо ёдда тутиш керак. Селларнинг олдини олиш ва хавфсизли-



гини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири тадқиқот ва прогнозлашдир. Илмий тадқиқотлар табиий офатлар қандай содир бўлиши ва уларнинг қандай қилиб олдини олиш мумкинлигини яхшироқ тушунишга имкон беради. Сунъий йўлдошлар, радарлар ва датчиклар каби замонавий технологиялар ёрдамда вазият ўзгаришини кузатишимиз ва юзага келиши мумкин бўлган офатларни башорат қилишимиз мумкин. Бу бизга аҳолини огоҳлантириш ва хавфли ҳудуддан одамларни эвакуация қилиш имконини беради.

Фавкулотда вазиятларнинг олдини олишининг яна бир муҳим усули огоҳлантириш ва эвакуация тизимларини ишлаб чиқишдир. Ушбу тизимлар аҳолини юзага келиши мумкин бўлган хавф ҳақида тез ва самарали хабардор қилиш ва тезкор эвакуацияни ташкил этиш имконини беради. Огоҳлантириш ва эвакуация тизимлари аҳоли учун имкон қадар қулай ва тушунарли бўлиши керак. Уларда фалокат юз берганда нима қилиш ва қандай ёрдам олиш кераклиги ҳақида маълумотлар бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, селлар ва бошқа турдаги табиий офатлар аҳолига катта миқдорда зарар етказишининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини юмшатиш учун доимий равишда ҳудудда фавкулотда вазиятлар содир бўлиш эҳтимолини прогнозлаш, аҳолини огоҳлантириш ва эвакуация тизимларини ишлаб чиқиш зарур.

Санжар ЭРГАШЕВ,
Фавкулотда вазиятлар
вазирлиги академияси ҳузуридаги
Фуқаро муҳофазаси
институтини ўқитувчиси.

Юртимиздаги барча тоғ ва тоғ олди ҳудудлари сел хавфи мавжуд зоналар тоифасига киритилган бўлиб, сел оқими вужудга келиши апрел ва май ойларига тўғри келади



Эрта тонг. Деразадан ёруғлик кўрина бошлади. Бобом билан бувим бомдодга ҳаракат қилишмоқда. Барака қиради, дея бобом ҳар кунни эрталаб эшикни очиб қўяди. Ташқарига чиқдим. Ажиб ҳолат, манзара. Чиқишим билан тонгнинг майин шамолли вужудини қитиқлагандек бўлди.Тоза ҳаводан тўйиб нафас олдим, ичимдан хурсанд бўлиб кетдим: тирикман, яшаяпман. Шукур! Кеча булутнинг ортига яшириниб олган қуёш бугун эринибгина ўрнидан туряпти. Ҳўрозлар худди келишиб олгандек бараварига қичқиршмоқда. Шамол эсгани сайин дарахтлар салом бергандек эгилиб-эгилиб қўяди. “Кўп яшанглар”, дедим қулимсираб. Урик гуллай бошлабди. Баҳорнинг ифори кўнглидаги тугунларни ечиб, ҳаётга қизиқиш уйғотиб юборади-я.

Бизнинг қишлоққа баҳор ҳам бошқача келади-да. Бирдан янги режалар, янги умидлар пайдо бўлиб, руҳим тетиклашди. Атроф бутунлай жимжитдек туюлиб кетди. Ҳали ҳеч ким кўчага чиқмаган. Фақат табиат ва қўшларнинг жонли овози мусаллоқлик ҳиссини туйдирапти. Ҳовли ортига қурилган ҳалинчақда бироз учиб ҳаёл суриб олдим. Намозини ўқиб бўлгач, бобомни кўчага чиқишга мажбурлайман. Анча муддат суҳбатлашиб юрамиз. Қизиқувчанлигим тутиб кўча-мизнинг тарихию, бу ерда аввал ким яшагани, нега бундай ном қўйилгани фалончи қариндошимизнинг мендек вақти нима иш қилгани ва бошқа-бошқа саволларим билан бобомни сўроққа тутаман. Бобом ҳам эринмай ҳаммасига жавоб бера бошлайди. Ўйлаб қоламан: менинг бу ғалати саволларимга фақатгина бобом яхши жавоб топиб берадией. Тонг хали тўлиқ отмаган. Бувим товукларга дон бериш пайида юрибди. Энди уйга кириб китоб ўқишмоқчи бўлдим. “Баҳор қайтмайди”нинг ярмига

келибман. Икки бет ўқиб, ухлаб қолганимни билмабман. Тушлар ҳам кўрибман. Уйғониб кетсам келиноним нонушта тайёрлаётган экан. “Бутун дам олиш кунини, уйку келса ухлаб олавер, турма”, деди бувим. Бобом ишга кетиб бўлган. Ёнғоқ, майизларни чиқариб еб ол, деди бувим. Пиёгани тўлдириб чой солиб бердилар. “Уйга борай, онам эртарок кел деганди” дея шошила бошладим...

Ҳа, ҳозир ўйлаб ўтириб, мактаб пайти, бобом-бувимни уйдда қолиб кетадиган пайтларим эсимга тушди. Қишлоқда бошқача ҳаловат бор. Айниқса, бизнинг қишлоқда. Эрталаб ҳамма кўчага сув сепади. Қўшиллардан бири сенинг боланг, менинг болам, деб ўтирмасдан ҳамма болачаларни йиғиб, машинасида богчага ташлаб келади. Чиройлигина кийинган болалар толлар қаторасига ўсган кўча бўйлаб мактаб сари чопқилайди. Кўча четида йиғилиб, хотинлар бўғирсоқ пишириб, ўтган-кетганга тарқатишади. Болалар богчада, мактабда бўлгани сабабли

пешингача кўча жимжит бўлади, кейин эса ғала-ғовур бошланади. Онаси ухлатишга олиб кириб кетган болақайлар онасини ухлатиб, қочиб ўйинга чиқишади ва шу билан уст-бошини чанг қилиб, кеч тушганда зўрға уйига киришади. Янги қўйлак олган кичкина қизлар кийимини мактаган бўлиб кўчини бир-икки айланиб чиқади. Қайсиқир қўшнимиз касал бўлиб қолса навбат билан ҳар кунни бир хонадондан овқат тайёрлаб олиб боришади. Тўй бошлансаю ана байрам ҳаммага. Бир ёқадан бош кўтариб, тўйнинг барча маросимларида туриб беришади. Хуллас, маҳалла билан бирга қилинган ҳамма нарса ажойиб. Мехр-оқибат жуда кучлида. Эҳ, қандай орзулар шу ерда бошланган, қандай инсонларни етиштириб берган-а бу қишлоқ. Қишлоғимиз “Ҳизир эли” деб номланади. Шу боисдан Ҳизир назари тушган қишлоқ, деб фахрланишади қишлоқдошларим. Шаҳар айланиб, оз бўлса ҳам қишлоғим тафтини тоғим келадию, лекин шаҳардаги катта бинолар ҳам қишлоқдаги уйлардек салобатли кўринмайди, бу ерда фақат шаҳарнинг тафти бор.

Ким нима қилди, қаерга кетди, қишлоқда ҳамма бир-биридан воқиф. Шаҳардаману, аммо қуёш бошқача чарақлайдиган қишлоғим меҳри ҳар доим мен билан, унда пайдо бўлган орзуларни амалга ошириш, қишлоғим шайинини сақлаш ва обрўини кўтариш менинг бурчимдир. Ахир, қишлоғимнинг мендан умиди катта...

Интизор САМАНДАРОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
талабаси.

МЎМИННИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Аллоҳ таоло бу дунёни синов майдони қилиб яратди. Унда инсоннинг қандай умр кечириши, неъматларни қайси йўлга ишлатишига қараб охиратдаги манзил-макони аниқ бўлади. Инсоният доимий имтиҳонда эканини қўидаги оятни қарима мазмунидан билиб оламиз:

“ (У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У Азиз (қудратли) ва Ғафур (кечиримли)дир” (Мулк сураси, 2-оят).

Бу имтиҳон дунёсида яхши ҳам бор, ёмон ҳам бор, ҳалол ҳам бор, ҳаром ҳам бор. Ҳамма нарса ҳалол, ҳамма бир мўмин-мусулмон бўлгандагина синовдан маъно қолмаган, ёмон бўлмаса, яхшининг қадрига етмаган бўларди.

Мўмин-мусулмонлар ўзаро ёру биродар бўлиб, дунёдаги синовлардан яхши ўтиб олишлари учун, бир-бирларини

барчамиз жамиятдаги ёмон иллатларни йўқотишга имкон қадар ҳиссамизни қўишимиз керак. Буни маълум бир идораларнинг иши, деб ўйламайлик. Пайғамбаримиз соллалоху алайҳи васаллам қаерда аҳилик ва бирдамлик бўлса ўша жойда файзу-барака ва ривожланиш бўлади, деганлар. Шунинг учун барча мўмин-мусулмонлар аҳил-иноқ бўлсак, юрт равнақи ва ривожига ҳисса қўшган бўламиз.

Ёшларга, айниқса, уларнинг ўсимирлик даврида чиройли тарбия, гўзал ўрнат қўрсатиши керак. Ким билан ёрибди, ким билан дўст тутинди, суриштириб, огоҳ бўлиб тури-



тўғри йўлга қақариб, ёмонликдан қайтариб турадилар. Агар ҳамма “Ўзим чиққан тепа омон бўлсин”, дея ҳаракат қилса, яхшилиққа буюриш, ёмонликдан қайтариш бўлмаса, жамиятда фиску-фасод кўпаяди ва тобора зарари катталашиб боради. Буни қўидаги ҳадиси шарифдан билиб оламиз: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ё яхшилиққа буюрасиз ва ёмонликдан қайтарасиз, ёки бўлмаса, Аллоҳ таоло устингизга бир балони юборади, ундан кейин қанча дуо қилсангиз ҳам дуоингиз қабул бўлмайди” (Имом Термизий ривоят). Аллоҳ таоло кечиради-кечиради, кеч уради, деган ибратли гап бор. Ҳозирги кунда баъзи инсонлар неъматлар қадрига етмай, шукрини адо этмай қўйди. Нима учун ҳадиси шарифларда Пайғамбаримиз соллалоху алайҳиwasаллам инсон ўзидан юқоридаги инсонга қарайверса, ўзидаги неъматлар қадрига етишни эсдан чиқаради, ўзидан пастдаги инсонларга қараса, ўзидаги Аллоҳ таоло берган бехисоб неъматлар қадрига етган бўлар эди, деганлар. Пайғамбаримиз соллалоху алайҳи wasаллам мўмин инсон ватанига хиёнат қилмайди, ватанига қилган хиёнат кечирилмас гуноҳлардан эканлиги ҳақида огоҳлантирганлар.

Шу ҳадисдан келиб чиқиб, **Муҳаммадшокир БОБОХЎЖАЕВ,**
Норин туманидаги Умархўжа
эшон жомеъ масжиди
имом хатиби.

➤ Эълонлар

15-05/327 рақами билан 2000 йил 17 январда Гулямова Захро Турсунбаевна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
05-01/5131 рақами билан 1993 йил 20 февралда Абдумуталова Шоира Каримовна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
07-01/14079 рақами билан 2020 йил 13 ноябрда Денисова Зарина Александровна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
05-01/9491 рақами билан 1993 йил 26 мартда Пудовкина Марта Кондратьевна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
Исраилов Шавкат Ахмеджановичга тегишли №250 сонли мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 350-сон қарорининг 3-иловасига мувофиқ, “Ўзсув-хорижийқурилиш” давлат унитар корхонаси тугатилмоқда. Шу юзасидан тугатувчи Б.Мирзаева (+ 99890-952-89-72) мурожаат қилиш мумкин.



Кўчқор НОРҚОБИЛ



РАМАЗОН КУНИДА

ҲИКОЯ

Шаҳарда доврўғи кетган “Корзинка” дўконларининг бирига тиркаш улвожий четида тарвақайлаган чинор соясида машинадан тушдим. Ёнимга оқ “Нексия” келиб тўхтади. Ҳайдовчи томондаги орқа ўриндиқ эшиги очилиб, бошдаги дўпписи қийшайган, косовдек озгин, қилтанлаган майдаияк бир нусха кўринди. Қирқ кило чиқиб чиқмайдиган бу одамча, дорихона томон беданаюриш қилган ҳам эдики, ёнимиздаги “Спарк”дан бир барзанги отилиб чиқиб, ёқасидан олиб даст кўтарди. “Одамча”нинг ердан узилган оёқчаларни пилдир-пилдир қилди. Девсифат лўлонкўз, хумкалла кимса билагидаги мушакларини сувда оққан олмадай ўйнатиб ҳалиги шўртумшукни бир қўллаб кўтарган қўйини “Спарк”нинг орқа эшиги олдида олиб келди:

– Ты чё? Нима қип қўйдинг. Ну-ка, смотри. Что за... Кўзингга қарасанг ўласанми?

– Мен... Мен дорихонага, дори олиш учун тушувдим, – дудуқланди кўрқиб кетган “одамча”.

“Спарк”нинг орқа эшигига ҳеч нарса қилмаган. Бор йўғи қўртнинг юқидексини майда оқ доғни кўрдим. Шунга шунча тўполол денг. Эҳ, инсоннинг қадри-я, инсоннинг қадри... Барзангининг билагига ёпишдим. Девсифат жунбосган башарасини бўжмайтириб менга лаҳза термулиб турди, афт-ангорим, уст-бошим, ўзимни тутишим таъсир этди чоғи, гуризидай қўлини бўшатди. Бургут чангалидан тушган товущонқандай типирчилаган “одамча” дағ-дағ титраб, ортимдан паноҳ топди. Бу воқеа шунчалар тез бўлиб ўтдики, “Нексия”нинг олд эшиги очилиб, эғнига оқ ятак илган нуроний чол кўриниш берди. Оппоқ соқоли ёниқ чехрасига янада зиёбахшлик берган отахон биз томонга бироз хайратомуз нигоҳ ташлади. Пишнаб, ҳансираётган барзанги чолга ижирганиб қараб қўйди ва яна “одамча”га хезланди:

– Тўлайсан. Ҳозир устага борамиз.

Мен чидаб туrolмадим:

– Оғайни, ўзингизни босинг, ҳеч нарса қилмаган-ку...

Гўрсўхта менга илкис қаради:

– Сиз аралашманг!..

Мен томирида одамийлик қони қотиб қолган бу бақдирдорнинг қиёфасидан ўзимга, халқимга қардошу қондошлик тафтини туймадим. Йўқ, бу ўзбекмас, қони бузўқ гўй махлук, деган хаёлга келдим. Билмадим, ким-кимларнинг қони аралаш-қуралаш бу одамёввойидан айнаи тобда яхшилик кутиб бўлмасди.

– ГАИ қақираман, ҳеч қаерга кетмай-санлар, – деди.

Можарога отахон бош сўқди:

– Болам, шифохонага касал олиб кетаяпмиз. Эмизикли бола. Шунча йўлдан роса бўларимизча бўлиб келаяпмиз, болам...

“Одамча” чўнтагидан дастрўмолча

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.
Hajmi 2 bosmas tabcoq. Ofset usulida bosildi,
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.
Buyurtma G-317. 1910 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dizayner: Mapкс YUSUPOV.

Tahririyat manzili:
Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

Qishloq hayoti
MUASSISLAR:
O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi
kompleksi tarkibidagi hamda
boshqa daxldor vazirlik
va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV
Tahrir hay'ati:
Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

ISSN 2010-7021
Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 19.00